

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 26 июль, № 159 (8221)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд топган куним муносабати билан чин юракдан ўзларининг самимий табрик ва қутловларини йўллаб, эзгу тилакларини билдирган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, чет эллик сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.

Кўп миллатли халқимиз ва давлатимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси бўлган ушбу табрик ва тилаклар мен учун гоёт қадри бўлиб, уларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг қўламли демократик ислохотларимиз ҳамда мамлакатимизнинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг яна бир эътирофи сифатида қабул қиламан.

Мана шу қувончли айёмда “Инсон қадрини унун” деган эзгу тамойил асосида Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда ҳал қилувчи куч бўлган меҳнаткаш ва баргикенг, кўп миллатли халқимизга ўзимнинг юксак фарзандлик меҳрини ва эҳтиромимни билдиришдан беҳад мамнунман.

Ишончим комилки, эл-юртимизнинг куч-ғайрати ва бунёдкорлик салоҳияти билан қонун ва адолат барча соҳаларда устувор бўладиган халқпарвар давлат ва жамият қуриш бўйича ўз олдимиизга қўйган юксак мақсадларга албатта етамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ўзбекистон Республикаси Аҳолисини Ижтимоий Ҳимоя Қилиш Стратегиясини Тасдиқлаш Тўғрисида

Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётли ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди;

кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробарга ошиб, 1,9 миллионга етди;

кам таъминланган оилалардаги болаларни парвартириш учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайиб, нафақа тайинлашда инобатга олинмаган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 баробарга оширилди;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон бўйича муштарак ёндашувларни ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирмоқда

26 июль кунини Тошкент шаҳрида “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Формула 20 дан ортқ давлатлар, шунингдек, БМТ, Озқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти, Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби етакчи халқаро тузилмалардан 100 нафардан зиёд вакиллар иштирок этди.

### Таҳлил

Афғонистон делегациясига ушбу мамлакат ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амирхон Муттақий раҳбарлик қилади.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга нисбатан, жумладан, янги ҳукумат вакиллари билан мулоқоти йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўлиб, шунингдек, Афғонистоннинг амалдаги ҳукумат органлари билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш йўлиларини излаб топилган қаратилган зарур минтақавий ва халқаро чоралар бўйича таклифлари муҳокама қилади.

Шунингдек, Афғонистон иқтисодий тизимини тиклаш ва мустақамлаш, мамлакатнинг транзит салоҳиятини ривожлантириш ҳамда халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий ўзаро боғлиқликнинг асосий бўғини сифатидаги ролини қайта тиклашга хизмат қилувчи иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Конференция 2018 йил 27 март кунини “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида ўтказилган Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ҳамда 2021 йил 15-16 июль кунлари бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент халқаро конференциясининг мантикий давоми бўлади.

Афғонистоннинг тинч тараққиётига кўмаклашиш ва ушбу мамлакат билан прагматик ўзаро манфаатли муносабатларни татбиқ этиш Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилган Афғонистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон — Афғонистон ўзаро муносабатларида, минтақавий кун тартибидан ва нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан илгари сурилган ташаббуслар Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича мувофиқлаштирилган қарашларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Президенти Афғонистонга муаммо сифатида эмас, балки янги имкониятлар нуқтаи назаридан қараш бўйича даъватлари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Афғонистонда 500 кВт ўтказиш қувватига эга Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясини қуриш каби йирик инфратузилмавий ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга аллақачон киришган. Ушбу электр

узатиш линиясининг узунлиги 260 километр, қиймати эса 100,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Лойиҳанинг ижроси Афғонистоннинг электр энергияси билан таъминлашга, демакки, иқтисодий ривожланишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу электр узатиш линияси кейинчалик Кобулдан Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизими билан боғлайд.

2022 йил 11 июль кунини БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустақамлаш тўғрисидаги резолюция бир овоздан қабул қилинган Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши ва минтақавий иқтисодий тизимга интеграциялашувига муҳим хисса қўшди. Давлатимиз раҳбари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги мулоқот тамойиллари ва йўналишларини юқорида зикр этилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги Тошкент конференциясида илгари сурган эди.

Иккита йирик минтақа ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири — савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва халқаро фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладиган транспорт инфратузилмасини барпо этишдан иборат. Ўзбекистоннинг йиллик транзит салоҳияти 20 миллион тонна юкни ташкил этадиган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешова темир йўлини қуриш ташаббуси кенг қўламли ўзаро боғлиқлик лойиҳалари қаторига қиради.

Шу билан бирга, Афғонистон билан чегарада “Termez Cargo Center” логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 22 июндаги қарори билан ушбу марказга Афғонистон ва бошқа давлатларга гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро кўп функцияли транспорт-логистика маркази мақоми берилди. Бугунги кунда турли халқаро ташкилотлар мазкур логистика маркази имкониятларидан фаол фойдаланмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуси дунёнинг аксарият давлатлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Бундан тўрт йил аввал, 2018 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳон ҳамжамияти эътиборини мазкур долзарб масалага қаратиб, шундай деган эди: “Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак. Бу жафокаш юрда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий қатъий ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим”.

26 июль кунини бўлиб ўтадиган халқаро конференция жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга нисбатан муштарак ёндашувларини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг қайта тикланиши, минтақавий ва халқаро ҳамкорлик жараёнидаги интеграциялашувига муҳим хисса бўлиб қўшилади, деб ишонч билан айтиши мумкин.

«Дунё» АА.

## Содиқ САФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари

## Юқори палата фаолияти такомиллашуви — жамият тараққиётининг муҳим омилдир

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида жамиятни барқарор ривожлантириш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, ислохотлар самарадорлигини таъминлашга оид чуқур мулоҳазалар илгари сурилди. Жумладан, парламентнинг жамиятда тугган ўрнини мустақамлаш ва тасвирини ошириш ҳақида концептуал характерга эга бўлган теран фикрлар баён қилинган бўлиб, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бугун сенатор ва депутатлар, маҳаллий Кенгашлар ҳеч бир ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масаладан ўзларини четга ололмайд.

### Нуқтаи назар

Айтиш жоизки, ана шу сингари эзгу гоилар асосида 2016 йилдан буён улкан ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Ўтган давр юртимиз, жамиятимиз, ўзбек халқи ҳаётида кескин бурилиш, янгилаш, тараққиёт сари шиддат билан ҳаракатланиш, мураккаб, узоқ вақт давомида тўлғаниб келган муаммоларни ечиш, шонли ютуқлар

ва ёрқин ҳодисаларга бой йиллар бўлди. Мамлакат етакчиси томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат туфайли айнан шу даврда кенг қўламли, дунё миқёсида эътироф этилган ислохотлар амалга оширилди. Бошқарув тизими, инсон ҳуқуқлари, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда ўз ечимини анчадан бери кутаёт-

ган масалалар ҳал қилинаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Халқаро жаҳонда Ватанимиз янги қиёфага эга бўлди, унинг жаҳондаги обрўи ва мавқеи юксалди. Энг муҳими, халқимизнинг сиёсий онги ҳамда фаоллиги, мустақам ижтимоий позицияси ва бўлаётган ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси ўсди.

## Ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди

Кеча Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири в.б. Владимир Норов “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф билан келган Европа Иттифоқининг Афғонистон бўйича махсус вакили Томас Никлассон билан учрашди.

### Учрашув

Т. Никлассоннинг таъкидлашича, Европа Иттифоқи Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда дўстлик, ишонч ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш бўйича минтақавий сиёсати ҳамда ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бунинг натижасида минтақадда кўсқа муддатда тарихий ўзгаришлар рўй берди, олий даражадаги сиёсий мулоқот мустақамлашиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларни муҳокама қилинди. Томонлар Ўзбекистон ва Европа Итти-

фоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тасдиқланганини оқшадилар ва ушбу муҳим ҳужжатни имкон қадар тезроқ имзолаш зарурлигини қайд этдилар.

Афғонистондаги мавжуд вазият юзасидан атрофича фикр алмашилди. Т. Никлассоннинг таъкидлашича, Брюссель Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал этишдаги сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракатлари ва алоҳида ўрнини юқори баҳолайди. Европа Иттифоқининг минтақавий кун тартиби бўйича Тошкент билан мунтазам мулоқоти давом эттиришдан манфаатдорлиги маълум қилинди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Ҳужжат лойиҳалари юзасидан фракциялар позицияси қандай?

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ватанимиз тараққиётини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

### Мулкка доир муносабатлар тартибга солинади

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида дастлаб “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг маъмурий судлар томонидан самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш орқали маъмурий судларни фуқароларнинг ҳақиқий ҳимоясига айлантиришга қаратилган.

Қайд этилганидек, мазкур

### Юксалиш

Хорижлик мутахассислар қурган заводлар яхши ишлайди, самарадорлиги ҳам талаблар даражасида. Аммо вақти келиб, эҳтиёт қисмларга эҳтиёж туғилганда бундай матоҳларни катта маблағ сарфлаб, хориждан олиб келишга тўғри келади. Муқобили йўқлиги учун ҳам чет эллик ҳамкорлар эҳтиёт қисмлар нархини анча-мунча ошириб сотади. Бу, албатта, импортга қарамлик ҳолатини келтириб чиқаради. Биргина мисол. “Шўртан газ-кимё мажмуаси” МЧЖ 2007 йилда хориж технологияси асосида ишга тушган бўлса, бугунга келиб баъзи ускуналар эскириб, эҳтиёт қисмларга эҳтиёж туғилмоқда. Аммо хорижлик мутахассислар ҳам анойи эмас. Улар эҳтиёт қисмларни шундай мураккаб технологик маҳсулотлардан тайёрлашгани, уни Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг имконияти жуда кам. Улар билишади ва вақти келиб эҳтиёт қисмни биздан олишади, бундай мураккаб жиҳозларни ўзбеклар ишлаб чиқара олмайди, деб тўғриси, “код”лаб кетишган.

Шундай эҳтиёт қисмлардан бири совитиш парралари бўлиб, уни ўзимизда ишлаб чиқаришга ҳар қандай маҳаллий корхона ҳам жазм эта олмайди. Қолаверса, завод раҳбарлари хориж қайда-ю. Ўзбекистон қайда, деб туришганда шу ишни бажара оладиган маҳаллий ҳамкор топилди. Бу Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган “NEO STEKLOPLAST” МЧЖ бўлиб, унинг раҳбари Толмас Умаров “Агар ўша қурилманинг иш жараёнини бир марта кўрсам, ясай олам”, деб айтди. Т. Умаров заводдаги этилен ишлаб чиқариш цехининг иссиқлик алмашинув қурилмаси (АВО) парралари нимадан ясалганини, қандай иш бажарилишини синчиқлаб ўрганиб, ундан намуналар олиб, шу ишга жазм қилди.



2

3

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

валюта, вақт, электр энергияни тежаш имконини беради ва импортга қарамликни камайтиради

# АҲОЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ИЧИМЛИК СУВИ НАРХИ СУЊИЙ РАВИШДА ОШИРИЛМАЙДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби аҳолининг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган илмий ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, юртимизда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва улгарга канализация хизматларини кўрсатиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Ҳозирги кунга қадар ушбу соҳа Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни айрим декларатив нормалари ҳамда 20 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Аммо амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ҳамда қатор нормалар ҳавола ҳусусиятга эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишнинг ҳуқуқий механизми белгиланмагани туфайли мамлакатимизда тармоқ фаолияти ривожланган давлатлар даражасидан паст кўрсаткичда қолаётган эди.

Соҳани тартибга солуви ахират қонуннинг мавжуд эмаслиги эса тармоқни кескин ривожлантиришда айрим қийинчиликларни туғдириди. Натижада бу борадаги ривожланишнинг ҳуқуқий асоси бўлган яхлит қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга эҳтиёж туғилди. Сабаби, барча давлатларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш соҳалари алоҳида қонун билан тартибга солинган.

Президентимиз томонидан шу йил 22 июль кун ишловга кўрсатиш билан Республикасининг "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариш бўлими тўғрисида"ги Қонуни аҳолини тоза ҳамда сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув хизматларини яхшилашга қаратилган билан аҳамиятли бўлди.

Нега деганда, бугунги кунда соҳада бозор механизмларини, жумладан, хусусий ва давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этиш борасида ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, ушбу йўналишдаги лойиҳалар ривож дарили сезилмади. Шу боис бу ишларга бозор механизмларини, хусусан, хусусий ва давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари эътиборга олинди. Яна бир муҳим масала. Мамлакатимизда ичимлик суви объектларида мазкур соҳада хизмат кўрсатиш талаб даражасида, деб бўлмайди. Бу борада қонунда ичимлик суви бўртма институтини жалб қилишни ушбу муаммоларни тизимли ҳал этиш имкониятини яратди.

Шунингдек, бугунги глобал ривожланиш даврида ичимлик суви манбалари бўлган ер усти ва ости сув захираларини муҳофаза қилиш асосий экологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қонунда ичимлик суви ресурслари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилиб, сувнинг технологик жиҳатдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгилангани айни мuddао бўлди.

Ҳозирги кунда сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустилиги оқибатида қувурларда носозликлар

Моҳира Хўжаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

# Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қачон ишга туширилади?

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари томонидан пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

# Ўрганиш

Маълумки, бу маданият ва истироҳат боғида айни пайтда кенг қўрилган ишлар амалга оширилмоқда. Аниқроқ айтиш керак бўлса, "BMP Smart Decision Private Limited" хорижий компанияси томони-

дан боғда реконструкциялаш, бино-иншоотларни қуриш ва хориждан олиб келинган аттракционлар ҳамда ўйин қурилмаларини ўрнатиш йомшлари бажарилмоқда. Эътиборлиси, ана шу мақ-

садлар учун 71 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шу йил 1 сентябрдан ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, барча ҳаракатлар шу асосда йўлга қўйилган.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, боғдаги ишлар Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан доимий назоратга олинган.

«Халқ сўзи».

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни илмий асосда амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида:

1. Ижтимоий Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишлари этиб қўйиладиган белгилансин: ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очкилик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш;

аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

ногиронлиқни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш; аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия бўюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш;

ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиётини жорий этиш.

2. Қўйиладиган:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси 1-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"

# Сарҳисоб

## МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида халқ билан очик мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш юзасидан бир қатор вазибалар ва чора-тадбирлар белгиланиб, унинг ижроси таъминланмоқда.

Парламент қўйи палатасида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, муражаатлар билан ишлаш борасидаги фаолият самардорлигини ошириш юзасидан қатор чоралар кўриляпти. Бу борада жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ба- жаририлган ишлар сарҳисоби қуйида.

Айтиш жоизки, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган муражаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва на- зоратни амалга ошириш йўлга қўйилди. Қонунчилик палатасида му- рожаатларнинг қонунчиликда белги- ланган тартибда кўрилишини, улар- нинг ҳар томонлама чуқур ўрганили- шини, депутатлик корпусининг сай- ловчилар ҳуқуқ ва қонуний манфаат- ларига дахлдор масалалар юзасидан ахборотга эга бўлишини, сайловчи- ларга тўлақонли, асосланган жавоб берилишини таъминлаш учун тааллуқлилиги бўйича ваколатли таш- килотларга юборилган муражаатлар- нинг кўриб чиқилиши натижаси юзасидан уларнинг ахборотини олиш амалиёти шаклланди.

Депутатларнинг жойларда ўтказ- ган ўрганишлари, сайлов округла- рида ўз сайловчилари билан учра- шувлари давомида фуқароларнинг муражаатларида кўтарилган дол- зарб муаммоларни ҳал этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсла- рига жами 191 та депутат сўрови юборилди, фуқароларнинг муражаат- ларини кўриб чиқиш юзасидан ма- ҳаллий Кенгашлар депутатларининг қўйи палата депутатлари билан ҳам- корлик қилиш ҳамда муражаатлари ҳал этиш амалиётига ўтилди.

Энг муҳими, сайловчилардан кел- аётган муражаатларда кўтарилган муаммолар ҳамда уларнинг ечими бўйича бажарилаётган ишлар атрофи- лича таҳлил қилиб боришмоқда. Бу борадаги ишларни қатъий парламент назоратига олиш мақсадида ҳисоб- бот даврида қўйи палатада муражаат- ларда кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани бўйича давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш амалиёти илмий олиб боришди. Ушбу масала юзасидан ўтган даврда 12 та қўмига томонидан 14 мартаба давлат органлари ва раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Депутатларнинг сайловчилар билан масофада, онлайн шаклда бе-

3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган мақ- садли кўрсаткичларга эришиш мақсадида, 2024 йил- дан бошлаб "Йўл хариталари" ҳар икки йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Молия вазирлиги таркибида юридик шахс мақоми- га эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси фаолиятини молиялаштириш манбалари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағ- лари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланма- ган бошқа манбалар ҳисобланади.

4. Белгилансинки, Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан:

а) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ижтимоий суғуртаси бўйича минимал истеъмол харажатларидан кели- бди чиқиб ҳимоядорлик ва туғиш нафақалари тўланади.

Бунда, ҳодимнинг иш стажиди 1 ойгача бўлган танаф- фуслар мавжуд бўлса ушбу танаффуслардан олдин- ги ва кейинги ойлар кетма-кет иш стажини ҳисоблашда қўлланилади;

б) келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бериладиган нафақалар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали босқичма-босқич тўланади.

5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (А.Инаков) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Маҳалла ва нурунийларни қўллаб- қувватлаш вазирлиги (С.Турдиев), Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (З.Махаммадов) ҳамда бошқа манфаат- дор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2023 йил 1 мартга қадар давлат томонидан қафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2023 йил 1 июлга қадар давлат томонидан қафолатланган ва бепул тақдим этиладиган минимал ижтимоий хизматларни кўрсатиш стандартла- рини тасдиқласин.

6. Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиши муносабати билан:

2022 йил 1 сентябрдан Молия вазирлиги ҳузури- даги Маъмурий биналардан фойдаланиш бошқармаси

туғатилиши ҳисобига 3 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий суғурта жамғармасининг фаолияти- ни ташкил этиш бўлими;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро аппарати штат бирликлари ҳисобидан 2 та штат бири- лigidан иборат Ижтимоий тўловларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали амалга ошириш шўбаси;

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бош бошқармалари ҳузурида, уларнинг умумий штат бирликлари доирасида 2 та штат бирлигидан иборат Ижтимоий суғурта жамғармаси маблағларини бўшларини ва Ижтимоий суғурта тўловларини тўловларини монито- ринг қилиш бўлимлари ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий ком- муникациялар агентлиги Молия вазирлиги билан бири- галикда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазибаларига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида, шу жумла- дан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламада ёритиб борилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идора- лар билан биргаликда бир ой мuddада қонунчилик ҳуж- жатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгарти- рил ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири- нинг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 25 июль

— Тўғри, мен совитиш қурилмаси паррақларини хорижийликлар ясаган металлдан эмас, стеклопластан тайёрладим, — дейди "NEO STEKLOPLAST" МЧЖ раҳбари. — Бизнинг махсу- лот сал енгирлик қизди, лекин иш бажариш функцияси хорижийликка нисбатан самаралироқ бўлди. Тах- лиллар шунки кўрсатдики, электр те- жамкорлик 30 фоиз, совитиш дара- жаси 15 фоиз юқорилиги билан аж- ралиб турди. Шу тариха биз за- вод билан меморандум имзола- дик ва импорт ўрничи босувчи ма- ҳаллий махсулотимиз сиювдан му- рафакатли ўтди. Совитиш қурил- маси паррақларини ясаш менга бегона эмас. "Муборак газни қайта ишлаш заводи" МЧЖ, Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси ҳамда Бухородаги Газли газ конлари мажмуаларида ҳам шунга ўхшаш совитиш қурил- маларини тайёрлаб берганимиз. Фақат уларнинг ҳажмида бир оз фарқ бўлиши мумкин.

Толмас Умаров таъкидлаганидек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маж- муага тақлиф этилиб, зарур эҳтиёт қисмининг техник кўрсаткичлари асосида сифатли ва арзон ишлаб чиқариш талаби қўйилмоқда. Кел- гусида, бу каби маҳаллий корхона- лар тайёрлаётган ва бугунги кунда импорт ўрничи босувчи механик эҳтиёт қисмлар билан мажмуа эҳтиёжи таъминланиши натижаси- да импорт махсулот харидини ка- майитириш ва иқтисодий томондан тежамкорликка эришиш мақсад қилинган.

— Жорий йилнинг март ойида "NEO STEKLOPLAST" МЧЖ томонидан ясалган паррақлар намуна- лари мажмуага тақлифрилди ва му- тахассислар томонидан апробация жараёни амалга оширилди, — дейди Шўртан газ-кимё мажмуаси маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш бўлими бошлиғи Илёс Маҳмудов. — Бу-

гунги кунда апробация жараёни- лари ижобий яқунланганлиги муно- сабати билан ушбу маҳаллий пар- рақларнинг хариди бўйича буюрт- ма портфели шакллантирилмоқда. Маҳаллий паррақлардан 7 тўплам харид қилиш режалаштирилмоқда ва бу, ўз навбатида, умумий қий- мати тахминан 161 миң АҚШ дол- лар микдоридан ортиқ маблағни иш- лашга имкониятини яратди. Шунингдек, биз республика миқё- сида бўлиб ўтган ҳудудий ва тар- воқлараро саноат ярмаркаларида фаол иштирок этиб, 50 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхо- налар билан меморандумлар им- золадик. Ушбу меморандумлар до- ирасида қўллаб маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона мутахассисла- ри мажмуага тақлиф этилди. Бу- нинг натижасида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона вакиллари ҳазирги кунда импортдан харид қилинаётган махсулотларнинг тех- ник кўрсаткичлари билан бевоси- та иш жараёнида танишиш имко- ниятига эга бўлдилар.

Умуман олганда, мамлаката- мизда маҳаллий ишлаб чиқарув- чиларга кенг имконият яратилган ва улгарга қўйи бизнес муҳити шакллантириб берилгани бу соҳа- ни иш самардорлигини юксалти- рмоқда. Мажмуада полистилен грануляси ишлаб чиқариш цеҳи- даги қадоклаш қурилмаси кон- вейер ленталари бугунги кунга қадар хориждан импорт қилинаёт- ган эди. Мажмуа мутахассис- лари томонидан олиб берилган изланишлар натижасида юртимиз- да "Belting Rezina" МЧЖ маҳаллий корхонаси фаолият олиб бораёт- ганлиги аниқланди ва ушбу корхо- нада тайёрланган конвейер лен- та олиб келиниб, ишлаб чиқариш технологик дастгоҳларига қўйилди. Қадоклаш қурилмасига қўйил- ган конвейер лентасининг ишлаш жараёни мониторинг қилиб бори- лди ва синов апробация жараёни



босимга чидамли шланглар хари- ди бўйича "DrillHot-Asia" МЧЖ кор- хонаси билан меморандум имзо- лангани ҳам бу соҳада намунали фаолият олиб борилаётганига аниқ далил бўла олади. Ушбу кор- хонадан ўтган апробация октябрь ойида синов апробация жараёни учун юқори босимли шланглар олиб келиниб ҳамда ишлаб чиқ- ариш технологик дастгоҳларига ўрнатилиди. Махмуанинг буг-газ ҳаво таъминоти цеҳига қарашли кўма ҳаракатланадиган лифтинг юқори босим остида ишловчи шланглари синов апробация жа- раёнидан ижобий ўтди.

2022 йил июнь ойида Фарона шаҳрида ўтказилган ҳудудий ва тармоқлараро саноат ярмаркаси- да мажмуа мутахассислари ишти- рок этди ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгар то- монидан ишлаб чиқарилаётган им- порт ўрничи босувчи маҳаллий мах- сулотларнинг техник кўрсаткичла- ри билан танишди. "MANOKIP ZAVODI" МЧЖдан назорат ўлчов асбоблари, "Navoi Eco Carbon" МЧЖдан фаолаштирилган кўмир кимёвий реагенти, "Process Water and Chemicals" МЧЖдан Полимерла- ниш ингибитори "PetroFlo 20Y104E" кимёвий реагенти, "Shtural" МЧЖдан фаолаштирил- ган кўмир кимёвий реагенти на-

Фахриддин БЗОЗОВ («Халқ сўзи»).



Мутлақ шахсий фикр

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририяти 2022 йил "Олтин қалам" XVI Миллий мукофоти учун ўтказилган танловда босма нашрлар ичида "Энг яхши журналистик материал учун" номинацияси бўйича 1-ўринга сазовор бўлди. Тахририят ижодий жамоаси маъмурият мукофоти нафақат юртимизда олиб борилаётган ислохотларни холисона ёритишга қаратилган фаолиятининг юксак эътирофи, балки оммавий ахборот воситаларига берилган алоҳида эътиборнинг яққол намунаси сифатида қабул қилди.

«ОЛТИН ҚАЛАМ» —

ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ ЭЪТИРОФ

Ушбу танлов янада очик ва шаффоф ўтказилиши керак.

Бизнинг давримиз "ахборот асри" деб номланиши бежиз эмас. Чунки айнан ахборотга эгалик қилиш ва уни тарқатиш воситаларининг ривожланиши бошқа соҳаларнинг ҳам жадал тараққий этишига сабаб бўлди. Тарихга назар солсак, башарият сўнгги 100 — 150 йил давомида мисли кўрилмаган даражада тараққий топанга гувоҳ бўламиз. Инсонларнинг минг йиллар давомида деярли ўзгармаган турмуш тарзи охириги бир ярим аср ичида мутлақо янгилик кўриниш, янгилик мазмун-моҳияти касб этди. Асрлар давомида бир-бирларига мактубни кабутарлар ёрдамида етказган одамлар бугун телефонга ўрнатилган мессенжерлардан фойдаланмоқда, дунёнинг турли бурчакларида туриб, бир-бирлари билан видеочатлар орқали бевосита сўхбат қўришапти.

Ҳўш, мана шу ўзгаришларга нима сабаб бўлди? Қандай омил инсоният тараққий этиши бу қадар жадаллаштириб юборди? Эътибор берсак, бу жараёнларга айнан оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши бошланиш катта туртки берганини кўраемиз. Аввалига босма нашрлар, кейинчилик радио ва телевидение, бугунги кунга келиб эса ижтимоий тармоқлар глобал миқёсда улкан ҳақмдаги матли, аудио ва видео-ахборотни тарқатмоқда. Бугунги замонавий маъмурият фильмдаги "Гирмон деганлари уч бошли аждаҳо эмис", деб ўтиради-ганлар тоифасидан эмас. Ваҳоланки, фильмда бундан нари босса бир асрдан кўпроқ вақт олдинги воқеалар тасвирланган.

Биз бугун уйда ўтирган ҳолда бутун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишимиз, керак бўлса, уларнинг барча тафсилотлари ҳақида маълумот олишимиз, турли мамлакатларда олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари билан танишимиз, зарур ҳулосалар чиқаришимиз мумкин. Айнан шу имконият тўғрисида инсоният бугунги кунга ке-

либ, мисли кўрилмаган тараққий даражасига эришди. Бу имкониятни унга оммавий ахборот воситалари берди. Мазкур жараёнлар бугунги кунда дунёнинг энг тараққий этган давлатлари жойлашган Европа қитъаси ва Америка Қўшма Штатларида журналистика ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бошланди. XX аср арафасидаёқ бу мамлакатларда ҳар бир зиёли инсон учун иш кунини газета ўқишдан бошлаш одатий ҳолга айланган. Матбуотга бўлган эътибор, ахборотга ташналик бу давлатларни тараққий этган мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Айнан шу даврда — 1903 йилда медиа-магнат Жозеф Пулитцер ташаббуси билан Америка Қўшма Штатларида журналистларни рағбатлантиришга қаратилган мукофот таъсис этилди ва у бугунги кунгача журналистика тараққий этишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, айни пайтда мамлакатимизда журналистика соҳасини ривожлантиришга қаратилган эътибор, сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўп ўтмай ўзининг ижобий натижаларини албатта кўрсатади, дея ишонч билан айта оламиз.

Бугунги кунда миллий журналистика жамият кўзгусига айланиб бормоқда. Мамлакат ҳаётида рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар ҳеч қандай тўсиқларсиз, холисона ёритилиши учун шарт-шароитлар яратиб берилган. Бинобарин, нуфузли "Чегарасиз репортёрлар" халқаро ташкилоти томонидан юриштирилган Сўз эркинлиги индексининг 2022 йилги рейтингидега Ўзбекистоннинг позицияси бир йил ичида 24 поғонага кўтарилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини чинакам "тўртинчи ҳокимият"га айлантириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг дастлабки натижаларидан биридир.

Яқинда Президентимиз томонидан

имзоланган "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда уларга солиқ имтиёзлари бериш, даврий босма нашрларнинг обунаси учун бюджет маблағларини йўналтириш, замонавий электрон шаклларини яратиш, энг яхши теле ва радио-маҳсулотлар учун танлов эълон қилиш, журналистика соҳасига кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан интеграциялаш, журналистларнинг хорижда малака оширишини ташкиллаштириш, ижтимоий буюртмалар сони ва микдорини ошириб бориш, замонавий медиа шахарчалар қуриш ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ҳужжатда, айниқса, "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танловни демократик тамойиллар асосида янада очик ва шаффофлик билан ўтказишга эътибор қаратиш белгиланганлиги танлов нуфузини янада оширади.

Қарорга мувофиқ, совриндорларни рағбатлантириш бундан-да кенгайди. Жумладан, бош миллий мукофот учун автомобиль берилди. Биринчи ўрин соҳибига базавий ҳисоблаш микдорининг 200 баравари, иккинчи ўринини олган базавий ҳисоблаш микдорининг 175 баравари, учинчи ўрин эгаси ба-

завий ҳисоблаш микдорининг 150 баравари микдоридеги пул мукофоти билан тақдирланди.

Рағбатлантирувчи номинациялар сони ва уларнинг қилини тақдирлаш ҳам янада кенгайди. Хусусан, 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бирига базавий ҳисоблаш микдорининг 100 баравари тенги бир мар-таллик пул мукофоти ажратилди.

Рағбатлантириш кўламининг ошгани журналистларнинг танловга бўлган қизиқишини янада кучайтириши табиий. Буни ижтимоий тармоқлардаги баҳс-мунозараларда ҳам кўриб туриб-миз. Ҳар ким ҳар хил фикр билдири-ши мумкин, ammo шу нарса аниқки, танловга эътиборнинг ошгани ҳақма-лар ҳайъатининг масъулиятини янада кучайтиради.

Қарорда танловни демократик тамойиллар асосида янада очик ва шаффофлик билан ўтказишга эътибор қаратиш белгилаб қўйил-маган. Ана шу талаб асосида танлов низомини қайта қўриб чиқиши, тах-рирланиши айни мудоаа бўлар эди. Хусусан, танлов иштирокчилари тақ-дим этаётган ишлар билан кенг жа-моатчилик хабардор қилинса, юрдош-ларимиз уларни баҳолашда ўз фикр-мулоҳазалари, тахлиллари ва танқид-лари билан қатнаша, шаффофлик янада ошади. 2022 йилги танловда

бу борада биринчи қадамлар қўйил-ганини фақат олқишлаш мумкин.

Шунингдек, танлов ҳақамлари ҳайъ-ати фаолиятида ҳам очиклики янада ошириш талаб этилади. Шу мақсадда ҳар бир давъогар номидан тақдим этилган материаллар бўйича чиқарил-ган ҳулосаларни кенг жамоатчиликка маълум қилиш тизимини йўлга қўйиш мумкин. Ҳақамлар таркиби ҳар йили янгиликни, баҳолашда иштирок эт-ган кишининг муайян вақт оралигида ҳайъат аъзоллигига қайта киритилмас-лиги қатъий белгилаб қўйилса яхши бўларди. Бу қолибларни аниқлашда бир ёқлама ёндашувнинг олдини олиш-да муҳим ўрин тутди.

Ғолибликка номзод ҳақида у фаолият юритаётган ташкилот, хусусан, тахририят раҳбариятининг тавсияси масаласи кўп мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кимдир ном-зод ҳақида у ишлаётган жамоа фикр билдириши шарт эмас, деса, яна кимдир аксини айтади. Гап шунда-ки, журналистик қандай салоҳият-га эгалиги ва қандай рағбатга му-носиблигини бирга ишлаётган ҳам-касблари яхши билади. Кўп ҳолат-ларда ҳаминқадар ёзилган мақола-лар бир неча "қўл"дан ўтиб, сайқал-ланиб, шундан сўнгинга саҳифага қўйилади. Имзо эса ўзгаришсиз қолади. Шу боис тахририят жамоа-сининг фикрини инобатга олиш танловда адолатлиликни янада оширади.

Шу ўринда "Олтин қалам" Миллий мукофоти бўйича аввал ҳам билдир-ган бир тақлифимни тақдирлаб ўтмоқ-чиман. Маълумки, оммавий ахборот воситаларининг фаолияти фақат ма-қола ёзишдангина иборат эмас. Ма-салан, газетанинг бир сони дунё юзи-ни кўришида унга муҳбирлардан тақ-дирлаш яна қанчадан-қанча ходим-ларнинг меҳнати сингади. Хусусан, га-зета оригинал макети ва дизайнини тайёрлаш ҳақиқий ижодий жараён. Бу иш билан шуғулланаётганлар — жур-налистика соҳасининг чинакам фидойи-лари. Ишончим комил, мана шундай касб эгалари радио ва телевидение-да ҳам жуда кўп. Шундай экан, "Ол-тин қалам" Миллий мукофоти қолиб-лари тақдирланаётганда лоақал бит-та номинация билан уларнинг ҳам меҳнати эътироф этилса, нур устига нур бўларди.

Миллий мукофоти ҳам номзодларни у ишлаётган ижодий жамоа ёки жамоатчилик илгари сургани тўғрисиқ бўлади. Этика нуқтаи назаридан ҳам айнан шуниси маъқул. Шундагина ушбу танловдаги қолиб-лик халқнинг эътирофи, эъзоз-эҳтироми рамзига айланади. Ижодкорлар бор куч-салоҳиятини танловда қолиб бўлиш учун эмас, аввало, халқнинг қалбига йўл топиш, оруз-умидларини қўриб чиқишга сафарбар этади. Ижодий изланиш, касб маҳоратини мунтазам ошириб боради, энг долзарб мавзуларни кўтариб чиқишга интилади. Пировадидега фақат ўз касбига фидойи бўлган, журналистикани ҳаётининг мазмуни деб билган инсонларгина бу миллий мукофотни қўлга қиратади.

Жамолiddин ТўХТАШЕВ («Халқ сўзи»)

Анжуман

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида спортнинг шахмат тури бўйича шу йилнинг 15 — 25 июнь кунлари Мальдив Республикасида 8 — 18 ёшлилар ўртасида ташкиллаштирилган Ғарбий Осиё чемпионатида қолиб ва совриндор бўлган ўсмирларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда ақл гимнасти-каси ҳисобланган шахмат спорт турига қизи-қувчи ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар-нинг маҳорат ва салоҳиятини ошириш учун шароитлар яратишга алоҳида эътибор қарати-лаётгани таъкидланди.

Ғарбий Осиё чемпионатида юртимиз шара-фини ҳимоя қилган ўсмирлар умумжамоа ҳис-обида Хиндистондан сўнг 2-ўринни эгаллагани бу борадаги ишларнинг яна бир мевасидир. Мазкур мусобақда Ўзбекистон жамоаси жами 10 та олтин, 8 та кумуш ва 5 та бронза ме-дални қўлга киритди.

Тўрт йилдан бери шахмат билан мунта-зам шуғулланман, — дейди Ғарбий Осиё чемпиони қолиб Абдумажид Ботиралев. — Чемпионатда стандарт ва блиц йўналишлари-да биринчи ўринни қўлга киритдим. Мени ша-хматга қизиқтирган ҳамда доимий олга юришга ундаб турувчи онажонимдан миннатдорман. Очилишни айтсам, афсонавий шахматчи Михаил Ботвинник ўйинларидан илҳом оламан, унга ўхшашига ҳаракат қиламан. Келажақда бутун жаҳон танийдиган спорт устаси бўлиш ҳамда она юртим байроғини жаҳон ареналарида юксакка кўтариш ниятидаман.

Анжуманда мамлакатимизда шахматни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаёт-ган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

Ноҳирбек ИБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

ЁЗДА МУЗДЕК, ҚИШДА ЭСА МУЗЛАМАЙДИ

Бухоро сардобаларининг сири нимада?

Жазирама забтига олган шу кунларда неки жонзот бор, ўзини соя-салқинга олади. Муздек сувга эҳтиёж сезади. Қизиқ, ҳали инсоният замонавий музлаткичларни ихтиро этмаган даврларда аждодларимиз бу эҳтиёжни қандай қондиришган экан?

Биласизми?

Худди шу савол билан бухоролик ёш тадқиқотчи, Ўзбекистон Респуб-ликаси Фанлар академияси Тарих институти таянч докторанти Шавкат Бобожоновга юзландик. — Қадимда ота-боболаримиз ҳаётида тошқудук, ховулар қатори-да сардобалар муҳим роль ўйнаган, — дейди ёш олим. — "Сардоба" сўзи форс тилидан олинган бўлиб, сард — совуқ, об — сув, "жуذا совуқ сув маҳзани" маъносини англатади. Сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун махсус қурилган гум-базли ушбу ховулар, асосан, ўрта аср меъморчилигининг нодир маҳ-сули саналади.

Сардобаларнинг бугунги кунга қадар этиб келишидаги муҳим омиллардан бири, шак-шубҳасиз, қуриладиган жойининг аниқ ва тўри танланганлигидадир. Иншоотни қуришдан олдин унинг рельефи, гео-графияси, яъни қуёш тушиши, ат-мосфераси, шамолнинг қай томон-дан эсиши, ўр ости сизот сувлари-нинг жойлашуви чуқур ўрганилган. Сувнинг иссиқ ҳавода парланмас-лиги учун унинг устига гумбаз қурилган. Тоза сувнинг ерга синг-маслиги ёки шўр сизот сувлари бил-лан аралашиб кетмаслиги масаласи ҳам оқилона ҳал этилган. Бун-нинг учун ховуз тубига тўя жундан тайёрланган кигиз, ошланган мол

териси тўшалган. Сар-добалардаги сувнинг ёзда муздек тургани, қишда эса умуман муз-ламагани сабабларидан бири ҳам шун бўлса, ажаб эмас. Уларда иш-латилган лой-қоришмаси ҳамда гиштларнинг куми Амурдёр ётақларидан олиб келинган. Улар таркибига қамиш, чўл ўсимлиги кукун, тўя зардоб, қўй сuti ва жун қўшилган. Сардобанинг девори цилиндр шаклида, диаметри 12-13 метр, чу-қурлиги 10 — 15 метрни ташкил этиб, ховуз юзаси ер сатҳи билан бир текис қурилган. Ташқи айлан-маси 12x10,8 метр бўлган гидро-иншоотлар деворининг қалинлиги 1,5 метр, баландлиги 20 метр, гум-базининг юксаклиги эса 8 метр. Ушбу сув иншоотининг гумбазли сифатли пишиқ яшт ва ганчдан иш-ланиб, тепаси туйнукли бўлган, ат-рофларида ховузга сув тушадиган тешиклар қилинган. Уларга кириш учун эшик ҳам ўрнатилган бўлиб, унинг олди сувни тоза сақлаш мақ-садига девор билан ўралган. Сардоба пойостонаси булоқлар ҳажмига қараб, айлана кўринишида бўлган. У олдин қаттиқ қоришма,



кейин қамиш, тут, гужум ёғочидан бўлган синч қўйилиб, сўнгра пишиқ гишт терилиб юқоригага айланти-риб кўтарилган. Саҳроларда, йўл бўйларида, қатта-қатта шаҳарлар-нинг аҳоли зич жойлашган чорра-халари ён томонида тикланган сар-добалар суви ҳам ширин, ҳам тиник, қишда илик, ёзда салқин бўлган. Юқоридега таъкидлаганимиз-дек, қишда музламаган. Тарихий маълумотларга қараган-да, Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлган. Улардан 29 таси Қарши тешиклар қилинган. Уларга кириш учун эшик ҳам ўрнатилган бўлиб, унинг олди сувни тоза сақлаш мақ-садига девор билан ўралган. Сардоба пойостонаси булоқлар ҳажмига қараб, айлана кўринишида бўлган. У олдин қаттиқ қоришма,

балар қуришга эътибор қаратган. Масалан, биргина Абдуллоҳон ўз ҳукмронлиги даврида мингта сар-доба қурдирган. Ҳар 40 километр масофада жойлашган сардобалар "4 фарсаҳ оралиғида жойлашган сув маҳзанидир" деб тарихий китоблар маълумот беради. Жўйборий хожа-лар ҳам бу хайри ишдан четда қо-лганлари йўқ. Хожа Исмоил 5 та, Хожа Саъдийдин Калонхожа 7 та, Хожа Тоҳидидин Ҳасан 4 та сардоба тик-лаган. Баъзан сардобаларда улар-ни назорат қилиб ва тозалаш ту-рувчи мироблар тайинланган. Улар учун махсус хоналар ҳам бўлган.

Бугун сардобалардан айримла-ри қолган, холос. Бухоро шаҳрис-тони ҳамда Қоровулбозор томон-ларда жойлашган сардобалар ана шулар жумласидан. Эшонни Исмо, Халифа Худойдод, Бўзачи, Қоровул-бозор, Хожа Уббон сардобаларини мисол тариқасида келтириш мум-кин. Чўли Малик сардобаси эса Буюк Ипак йўлининг Самарқанд — Бухоро тармоқларидаги бирда жой-лашган ягона обихайат манбаидир.

Бухоро сардобалари тарих дур-доналари саналади. Улар асрлар оша минглаб инсонларнинг ичим-ли қувиға бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган. Энди-ликда бу иншоотлар меъморий объект сифатида муҳофаза қилин-моқда. Чунки уларда халқимизнинг ҳаёти, санъати, маданияти, оруз-умидлари акс этган. Бинобарин, бу нодир тарихий ёдгорликларни аслидек асраб, келгуси авлодлар-га мерос сифатида етказиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЁЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДАН ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик аҳдатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Мулоҳаза. Айни кунларда Ватанимиз, халқимиз ва биз, ёшларнинг тақдирига дахлдор муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа — конституциявий ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиб турибмиз. Бугун барчамиз мана шундай тарихий жараёнда қатнашиб, Бош қомусимизнинг янгилинишига ўз ҳиссамини қўйиш учун кенг имконият яратиб берилди. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, мен ҳам Конституциявий қомусияга ўз тақлифларимни юбордим.

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЯПТИ

Биринчи тақлифим "Жамият давлат органларининг хоҳлаган мансабдор шахсидан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги Конституцияда алоҳида норма билан мустаҳкамлаб қўйилиши керак", деган мазмунда эди. Эътиборлиси, умумхалқ муҳокамаси қизгин да-вом этаётган Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу тақлифимда билдирилган фикрлар мазмунан ўз акси-ни тоғлибди. Хусусан, Конституциявий қонун лойиҳаси 261-мод-дасининг охириги (бешинчи) бандида шундай норма бор: "Ҳар бир шахс давлат органларининг ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги тўғрисида қилинган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга".

Ушбу конституциявий норманинг мазмунига кўра, қайсида давлат органи ёки мансабдор шахс жамият олдида ҳисобдорлики нутиб, жамият аъзоларига, айтайлик, менга зарар етказишга давлат йўл қўймай-ди. Айни мен юборган тақлифининг мазмун-моҳияти айни шу норма маъзига сингдирилган. Иккинчи тақлифим эса амалдаги Конституцияни Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокчи янада фаоллаштириш, ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, ҳимоясини кучайтириш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари руҳи ва кайфияти-дан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш лозимлиги хусусида.

Мен бу тақлиф билан, аслида, Конституциянинг хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги қайд этил-ган 46-моддасини кенгайтиришни кўзда туттадим.

Конституциявий қонун лойиҳасида Асосий Қонун-нинг 37-моддаси меннинг ушбу тақлифимга моҳиятан ўхшаш нормалар билан тўлдирилганини кўриб, очиги, жуда мамнун бўлдим.

Жумладан, ўша янги нормаларда меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам микдори инсоннинг ўзи ва oilаси яшashi учун етарли бўлиши кераклиги, ҳомиладорли-ги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши, ҳар бир ишловчи аёл ҳомиладор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган таътилга ҳамда янги туғилган чақал-юкни парвариш қилиш учун таътилга ёки болани фар-зандликка олиш учун таътилга қиш ҳуқуқига эгали-ги ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда айтишим жоизки, конституциявий исло-хотларнинг бориши бўйича шахсий кузатувиладан ҳу-лосалар чиқардим. Ёшни Асосий Қонунимизни янги-лаш юзасидан билдирилаётган тақлиф-мулоҳазалар асло эътиборсиз қолмапти. Ҳар бир тақлифдан янги ғо-лу — у муайян норма, биронта ибора ёки ҳатто биргина сўз шаклида бўлса ҳам — янгиланаётган Конституцияимизда акс этиши йўлида астойдил саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Қолаверса, конституциявий ислохотларнинг маз-мун-моҳиятини холис таққин қилиш зарурати билан боғлиқ, Содда қилиб айтганда, фақатгина мен каби навқирон инсонлар тақлифларини жўнатаверади, Конституциявий комиссия эса уларнинг пучағини пучакка, сарагини саракка чиқараверади, дея фикр-лаш тўғриси маъ, назаримда. Аввало, ҳар ким тақли-фининг туб моҳияти Конституциявий қонун лойиҳа-сида қандай ўз аксини тоғгани ҳам бу борада иш олиб бораётган қонун ижодкорларининг ҳуқуқий ма-ҳорати ва тажрибаси катталигини кўрсатиб турибди.

Конституцияни ўзгартириш бўйича тақлифлар на-фақат ёшлардан, балки аҳолининг турли қатламлари-дан мунтазам келиб тушмоқда. Шу билан бирга, қўллаб ташкилот ва муассасаларда ҳам Конститу-циявий қонун лойиҳаси жамоатчилик экспертизадан ўтказилиб, салмоқли ва тизимли тақлифлар билдирилмоқда.

Яна бир жиҳат шундаки, Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича чуқур тахлиллар ҳамда диққатга са-зovor тақлифлар тақдим этган жамоалар, шунингдек, бу борада вақт, куч ва имкониятини аямасдан, юксак ватанпарварлик намунасини кўрсатган фуқароларнинг хизматлари Конституциявий комиссия томонидан эъти-роф этилмоқда. Конституциявий ислохотлар жараёни-да фаол қатнашган фуқароларга ҳозирги кунгача 130 мингта миннатдорлик SMS-хабарномаси юборил-гани бу эътирофнинг амалий тасдиғидир.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу миннатдорлик хатларида таъ-кидлаганимдек, бугунги конституциявий ислохотлар — мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим тари-хий, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий жараён-дир.

Ойдин ИБРОҲИМОВА, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Матбуот хизмати ходими.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм кафедраси профессори, иқтисодий фаоллар доктори Гулчехра Аҳуновага турмуш ўртоғи. Ўтқурхон АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этади.

MANZILIMIZ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов. Мусахҳиҳ — С. Исломов. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.15 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6